

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ ШЕРЗОДБЕК МУРОД ЎҒЛИ

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ СОҲАСИДА
КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Iqt202 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хушматов Норқул Садуллаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдурашид Мажидович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Менглиқулов Бахтиёр Юсупович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __:__ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин(____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.П.Умурзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Ф.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д.

Қ.А.Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сайёрамизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, демографик ўзгаришлар туфайли пайдо бўлаётган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш борасидаги муаммолар, мавжуд ер-сув, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш йўллари қидиришни тақозо этмоқда. “Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бутун дунё давлатлари олдида турган глобал вазифалардан ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) маълумотларига кўра, сайёрамизда 7,3 млрд. аҳолидан қарийб 100 га яқин мамлакатлардаги 1 млрд. ошиқ киши озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилигидан азият чекади, яқин ўн йилликда эса иқлим ўзгариши, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар туфайли бу кўрсаткич дунё аҳолисининг 25 фоизига етиши мумкин”¹.

БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро гуруҳининг таҳлиллари (ИПСС) бўйича сўнгги 30 йил метеорологик кузатувлар тарихидаги энг иссиқ давр бўлган ва бу ер юзаси глобал ҳароратининг мисли кўрилмаган ўсиш суръатларини кўрсатмоқда. Мутахассислар фикрича, 1880 йилдан 2019 йилгача даврда глобал ер сирти ҳарорати $0,85 \pm 0,2^{\circ}\text{C}$ га ошган ва юқори иссиқхона газлари эмиссияси (РТК 8.5) билан мавжуд ҳолат сценарийсида ҳарорат XXI аср охирига келиб яна $2,6-4,8^{\circ}\text{C}$ кўтарилиши ҳисобланган эди. 2015 йилда Парижда ўтказилган иқлим бўйича 2-конференция натижасида битим имзоланиб, унинг мақсади дунё миқёсидаги ҳароратнинг саноатгача бўлган даврга нисбатан икки даражага кўтарилишини чеклаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўлган. Париж битими глобал иссиқ жараёнини юмшатишдаги иссиқхона газлари, чўкма чиқиндиларни ўзига ютувчи, сув омборлари ва бошқа сув ресурслари манбаларидаги чиқиндиларни ушлаб қолувчи технологияларни яратиш заруратини таъкидлади. Бинобарин, барча давлатлар турли хил углеродли чўкмалар, буғлар, сув манбаларидаги флора ва фауна учун зарарли чиқиндиларни, шу жумладан ўрмонни ёнғинлардан, аёвсиз кесиб ташлашдан сақлаши озиқ-овқат тақчиллиги ва экологик муаммоларнинг олдини олади.

Республикамизда мева-сабзавот маҳсулотлари асосан хусусий тармоқда етиштирилаётган бўлиб, унинг 75-85 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келган бўлса, бугунги кунда боғдорчилик соҳасидаги йирик тадбиркорлик субъектларининг сони ортиши мева-сабзавот етиштирувчи хусусий тармоқ ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Бундай тизимда мавсумий пишиб етиладиган ва транспортда ташишга кўп ҳолларда ноқулай бўлган сабзавот маҳсулотлари жуда кўп сонли, жойлашуви жиҳатидан тарқоқ ҳамда ҳажми кичик деҳқон ва фермер хўжаликларининг рақобат курашида иштирок қилишлари учун уларнинг кооперацияга бирлашишлари муҳим аҳамият касб қилади. Бу борада республикамизда қатор ташкилий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Шу сабабли мева-сабзавотчиликда савдо-логистика инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда

¹ Мева-сабзавотчилик соҳасининг бугуни ва истиқболи.<http://business-support.uz/uz/>

соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли фармони, шунингдек, 2019 йилнинг 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сонли, 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасини ривожлантириш борасидаги иқтисодий муаммолар ва қишлоқ хўжалигида кооперация ва интеграция жараёнини ривожлантириш масалалари хорижлик Т.Бузина, Н.Кузнецова и др., И.Минаков, В.Володин, Л.Антоненко² каби ва бошқа аграр соҳа иқтисодчи олимлари ишларида ўз аксини топган.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шароитида кооперация муносабатларини ривожлантиришга қаратилган илмий ечимлар Р.Хусанов, С.Усмонов, Қ.Чориев, Ў.Умурзаков, Т.Фармонов, Н.Хушматов, О.Жумаев, Х.Хушвақтова³ каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмалари қаторидан ўрин олган. Лекин юқорида келтирилган ишларнинг турли даврларда

² Бузина Т.С. Оптимизация взаимодействия участников в региональных агропромышленных кластерах / Т.С. Бузина, Я.М.Иваньо. – Иркутск: Издательство Иркутский ГАУ, 2015. – 148 с.; Кузнецова Н.А. Развитие интеграционных процессов в агропромышленном комплексе региона: монография. – Саратов: Саратовский социально-экономический институт (филиал) РЭУ им. Г.В.Плеханова, 2017. – 84 с.; Минаков И.А. Развитие интеграционных процессов в агропромышленном комплексе: Монография / И.А.Минаков–Мичуринск: Изд-во Мичуринского ГАУ, 2016. – 191 с.; Володин В.М., Дубова Л.Н. и др. Кооперация и интеграция в АПК: учебник для ВУЗов; под общ. ред. В.М.Володина. – Пенза, 2005. – 244 с.: ил. – Библиогр.: с. 189-198.; Антоненко Л.А. Кооперативы в преодолении мирового экономического кризиса: ретроспективный анализ прошлого. / Бюлетень Міжнародного Нобелівського економічного форуму. 2012. № 1 (5). Том 2. – с 11-18.

³ Хусанов Р. Дехқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. – 103 б.; Чориев Қ.А. Фермер ва дехқон хўжалиқларини кооперация жараёнига жалб этиш. Агроиқтисодиёт илмий-амалий аграр иқтисодий журнал. – Т. – 2017. – №1. – Б. 22-30.; Ў.Умурзаков., С.Эшматов. (O'zbek) Meva-sabzavotchilikda qiymat zanjiri tahlili. / <http://evu.uz/magazine/meva-sabzavotchilikda-qiymat-zanjiri-tahlili.html>; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: и.ф.д. дисс. автореф. – Т.: 2006. – 46 б.; Хушматов Н. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. Аграр иқтисодиёт. Илмий-амалий муаммолар бюллетени. // ЎЗБИИТИ. – 2008. – № 3-4. – Б. 3-7.; Жумаев О. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида мева-сабзавотчилик мажмуида кооперацияни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари: и.ф.н. дисс. автореф. – Т.: ЎЗБИИТИ, 2004. – 24 б.; Хушвақтова Ҳ.С. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари: и.ф.н. дисс. автореф. – Т.: ЎЗБИИТИ, 2005. – 23 б.

бажарилганлиги, ҳозирги пайтда соҳада агрофирмалар ва кооперативлар фаолиятини ташкил этиш борасидаги ислоҳотларнинг чуқурлашуви мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида тадқиқотлар олиб боришда комплекс ёндашувни тақозо этмоқда. Шу боисдан мазкур муаммо диссертация мавзуси сифатида танлаб олинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг 5.7. “Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тизимида кооперация муносабатларини ривожлантириш йўналишлари” (2019-2021 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш билан боғлиқ илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини ривожлантириш иқтисодий моҳиятини илмий ва амалий жиҳатдан асослаш;

қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатлари ривожланишининг ҳуқуқий асосларини шаклланиши ва кооперативлар ривожланиши заруратини илмий асослаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида кооперация муносабатларининг ҳозирги ҳолати таҳлиллари асосида ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш соҳасида кооперация жараёни борасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида тегишли хулосалар тайёрлаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш соҳасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш;

мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий моделини асослаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада фаолият юритувчи мева-сабзавот етиштирувчи субъектлар танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар кооперация тамойили асосида фаолият юритувчи Наманган вилояти мева-сабзавотчилик агрофирмалари маълумотлари асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг предмети мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил қилиш, қиёсий таққослаш, монографик кузатиш, мантиқий ва абстракт фикрлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

виртуал савдо электрон платформалари ва супермаркетлар тизимидан фойдаланишни кўзда тутувчи мева-сабзавотлар савдоси соҳасидаги кооперативларнинг савдо-логистик инфратузилмаси таркиби асосланган ҳамда савдо кооперативлари таснифи тавсия этилган;

мева-сабзавотчилик кооперативларининг ташкилий тузилмаси ҳамда замонавий ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш, кооперативнинг савдо айланмаси ва устав фондидаги улуши миқдори ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда таъсисчиларни иқтисодий рағбатлантиришга қаратилган савдо-ишлаб чиқариш фаолияти иқтисодий механизми асосланган;

савдо кооперативларида таъсисчилар томонидан қўшилган нисбий ўзгармас ва ўзгарувчи улушлар миқдори ва сифатини эътиборга олган ҳолда якуний соф молиявий натижани тақсимот қилиш алгоритми асосида якуний натижани тақсимлаш услуги ишлаб чиқилган ҳамда савдо кооперативларида ресурстежамкорлик ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган рағбатлантириш тизими асосланган;

мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси соҳаси кооперативларида кооперация муносабатларининг манфаатлар ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни инобатга олувчи ташкилий, молиявий ҳамда манфаатдорлик механизмларини эътиборга олувчи иқтисодий, мулкка эгаллик ва мол-мулк таркибини ифодаловчи мулк муносабатлар модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соҳада кооперация муносабатларини ривожлантириш ҳисобига юзага келувчи қўшимча имкониятлар доирасида логистик инфратузилма тармоғини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

мева-сабзавотчилик йўналишидаги кооперативларни ривожлантиришда замонавий ресурстежамкор технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш йўналишлари таклиф этилган;

республикада ташкил этилаётган мева-сабзавотчилик соҳасидаги кооперативларда якуний соф молиявий натижани тақсимот қилиш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация доирасида бажарилган илмий тадқиқотлар натижаларининг ишончилиги қўлланилган методик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, монографик кузатув натижалари асосида олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижасида тайёрланган тавсиялар республикада бозор муносабатлари ривожланиши шароитида мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация

муносабатларини ривожлантиришнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилади ва мамлакат ҳамда вазирликлар даражасида ишлаб чиқариш кооперативларини ташкил қилиш фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ амалий муаммоларни ҳал этиш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, илмий асосланган амалий тавсиялардан касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларидаги тегишли фан йўналиши бўйича таълим жараёнида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар асосида:

мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини ривожлантириш заруратини асосланган ҳолда кооперативлар фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳсулот етиштирувчиларга харажатларни камайтириш учун жорий этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 14 майдаги №02/032-173-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида транспорт ва сотиш харажатларини 10 фоизга камайтириш билан бирга маҳсулот етиштирувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида кооперацион муносабатлари йўлга қўйиш имкони яратилган;

Наманган вилоятидаги мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларининг тайёрлаш, ташиш ва савдо тизимдаги нобудгар-чилигини камайтириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 14 майдаги №02/032-173-сон маълумотномаси). Бунда Наманган вилоятидаги мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш ва савдо тизимдаги нобудгарчилиги 9 фоизгача камайтириш ва қўимча фойда олишга эришиши асосланган;

мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперацион муносабатларни ривожлантириш мақсадида Наманган вилоятидаги мева етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари учун берилган ташкилий тавсиялари асосида кооперация тузилмаси бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 14 майдаги №02/032-173-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида мева етиштирувчи фермерлар учун ташиш, сотиш ва ёқилғи харажатлари 7 фоизга камайтиришга эришилган ва қўшимча даромад олиш имкони асосланган;

мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тизимдаги кооперация муносабатларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 14 майдаги №02/032-173-сон маълумотномаси). Бунда Наманган вилоятидаги мева етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш жараёнида фойдаланишни йўлга қўйиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шу жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 139 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотлар долзарблиги, аҳамияти, мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети, ўрганилганлик даражаси баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ маълумотлар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши кўрсатиб кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатлари шаклланишининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш (ишлаб чиқариш), мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасидаги кооперацион муносабатлари тушунчалари, унинг иқтисодий моҳияти ва зарурияти, ташкилий-иқтисодий жиҳатлари таҳлил қилинган, мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасидаги кооперация муносабатларининг ривожланиш йўналишлари, иқтисодий механизми ва сотиш жараёнининг таркиби каби хусусиятлари очиқ берилган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот сотиш соҳасини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири маҳсулот етиштирувчиларнинг ўз маҳсулотларини самарали ва ортиқча харажатларсиз сотиш борасидаги кооперациясини ташкил этиш ҳисобланади.

Аммо, илмий манбалар таҳлиliga кўра, ҳозирга қадар республикада мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасидаги кооперация муносабатлари доирасида илмий-тадқиқот ишлар етарли даражада амалга оширилмаган.

Кооперация муносабатларини ривожлантириш борасида йирик илмий-

назарий мерос қолдириб кетган рус аграр соҳа олими А.В.Чаянов, кооперациянинг иқтисодий моҳиятини мустақил равишда ўз фаолиятини бирлаштирувчи турли хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатлари муштараклигини таъмин этувчи муносабат сифатида таърифлайди. Муаллиф бу ерда асосий эътиборни мол-мулк эмас, балки кооперация муносабатларига киришган мустақил субъектлар манфаатларига хизмат қилишга қаратиш лозимлигини алоҳида уқтиради.

Жумладан, муаллиф томонидан «Кооперацияда капитал хўжайин эмас, аксинча у – хизматкор. Кооперация дехқонга нафақат фойда олишни таъмин этишда ёрдам бериши лозим, балки унинг билимларини, малакасини оширишга ҳам хизмат кўрсатиши керак» эканлиги таъкидланади⁴.


Кооперация жараёнининг назарий асослари, ривожланиш давридаги турли қарашларга ва унинг бугунги кундаги мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўналишида бажараётган вазифаларига асосланадиган бўлсак, мева-сабзаёт маҳсулотларини сотиш соҳасидаги кооперация муносабатлари иқтисодий моҳиятига бизнинг назаримизда қуйидагича тариф бериш мумкин бўлади:

“Мева-сабзаётчилик маҳсулотларини сотиш борасидаги кооперация – кўп сонли ва ҳажми жиҳатидан кичик бўлган мустақил товар ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг етиштирган маҳсулотларини нисбатан кам харажатлар ва нобудгарчиликлар ҳисобига истеъмолчиларга етказиб бериш юзасидан ўз фаолиятларининг маълум соҳасини ихтиёрий равишда бирлаштириш асосида кўпроқ даромад кўриш мақсадида фаолият юритишни кўзда тутувчи иқтисодий муносабатлари мажмуидан иборат”.

Юқорида берилган муаллифлик таърифига таянган ҳолда мева-сабзаёт маҳсулотларини сотиш соҳасида фаолият юритувчи кооперативлар таснифланган. Кооперативларни таснифлашдан мақсад уларнинг фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ рағбатлантирувчи механизмлардан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳисобланади. Масалан, республика ҳудудлари марказий ёки маҳаллий бозорларидан узоқда ҳажми каттароқ савдо кооперативларини ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан қийинлиги туфайли уларга нисбатан рағбатлантирувчи турли иқтисодий дастакларни жорий этиш лозим бўлади.

Мева-сабзаётчилик соҳасида товарлар олди-сотдиси билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимида кооперативлар вазифаларини умумий ҳолда – қишлоқ хўжалиги корхоналари учун қулайликлар яратиш ҳамда харидорлар учун қулайликлар яратиш йўналишидаги вазифаларга бўлиш мумкин. Ушбу икки йирик гуруҳ доирасида қолган вазифаларни умумлаштириш кооперативлар вазифаларини аниқ тушуниб етиш учун имкон яратади. Бунинг учун (ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва жамият миқёсида) яъни қулайликлар яратиш учун савдо кооперативлари қуйидаги савдо-логистик тизимга эга бўлишлари лозим (1-расм).

⁴ Чаянов А.В. Основные идеи и формы организации сельскохозяйственной кооперации. – Москва. – 1927. – 357 б.



1-расм. Мева-сабзавотлар савдоси соҳасидаги кооперативларнинг савдо-логистик инфратузилмаси таркиби (тавсия)⁵

Маҳсулот тез бузилиши боис хўжалик сақлаш тизимига эга бўлиши лозим. Аммо, ушбу вазифа кооперативларда анча самарали бажарилади.

Диссертациянинг “**Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатлари шаклланишининг ҳозирги ҳолати**” деб номланган иккинчи бобида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати, кооперация муносабатлари ва уни йўлга қўйишдаги хорижий тажрибалар, республикада мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш динамикаси, сабзавот экинлари ва боғлар майдонлари динамикаси, аҳоли жон бошига маҳсулот етиштириш миқдори ўзгариши ва ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлиллари амалга оширилган.

⁵ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Мева-сабзавотчилик соҳасида кооперативлар ривожланишининг имкониятини баҳолаш юзасидан SWOT таҳлил амалга оширилди (2-расм).

<p style="text-align: center;">(S) Кучли томонлари</p> <ul style="list-style-type: none"> • сабзавот ва мева етиштириш тўлик хусусий мулкка асосланувчи субъектлар томонидан амалга оширилиши; • қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда эркин бозор механизмлари кенгайиб бориши; • мева-сабзавотчилик соҳасида кооперативларни ташкил қилиш юзасидан 2019 йилда Президент қарори қабул қилиниши (14.03.2019 й., ПҚ-4239-сонли); • мева-сабзавот маҳсулоти етиштирувчи хўжаликлар сони кўплиги ва соҳалда иқтисодий рақобат кучлилиги боис кооперация учун иқтисодий зарурат ортади. 	<p style="text-align: center;">(W) Заиф томонлари</p> <ul style="list-style-type: none"> • мева-сабзавотларнинг асосий қисмини деҳқон хўжаликлари етиштириши боисдан уларни кооперацияга жалб қилишнинг ташкилий жиҳатдан мураккаблиги; • мева-сабзавот маҳсулоти етиштирувчи деҳқон хўжаликлари тарқок жойлашуви ва маҳсулот ҳажми кичиклиги маҳсулотни тайёрлов тизимини қийинлаштириши; • кичик ҳажмли хўжаликларда замонавий илм-фан ва инновацион технологияларни жорий қилиш масаласи мураккаблиги; • эркин бозор тамойиллари асосида кооперация жараёнини ташкил қилишдаги амалий тажрибалар етишмаслиги.
<p style="text-align: center;">(O) Мавжуд имкониятлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • пахта ва ғалла экин майдонлари камайиши ҳисобига сабзавот экинлари ва боғлар, узумзорлар майдони ортиши ишлаб чиқаришнинг ривожини рағбатлантириши; • мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши; • Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошида “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги” ташкил қилиниши (20.03.2019 й., ПҚ-4246-сонли); • сабзавот ва боғдорчилик соҳасида илм-фанни ривожлантириш, тайёр ишланмаларни тижоратлаштириш тадбирларининг кенгайиб бориши. 	<p style="text-align: center;">(T) Хавф-хатарлар</p> <ul style="list-style-type: none"> • қишлоқ хўжалиги ва кооперативлар фаолиятига инерция бўйича маъмурий аралашувлар давом этиши туфайли кооперация ўз иқтисодий моҳиятини йўқотиши мумкинлиги; • инфратузилма йўқлиги боис кооператив таъсисчилари ва бошқа субъектларда кооперативларга ишонч пасайиши; • шартнома муносабатлари талаб даражасида ривожланмаганлиги туфайли кооперация тизимидаги ички ва ташқи иқтисодий муносабатларнинг издан чиқиши туфайли кооперативлар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги пасайиши мумкинлиги.

2-расм. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотишда кооперация ривожланиши шарт-шароитлари SWOT таҳлили⁶

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, Наманган вилоятида кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи мева-сабзавотчилик агрофирмалари ривожланиш ҳолати ва унинг динамикасини таҳлил этадиган бўлсак, 2014 йилда вилоят бўйича жами 112 та агрофирмалар фаолият юритган бўлса, 2015 йилда 145 та, 2016 йилда 149 та, 2017 йилда 170 та ва 2018 йилда 188 та агрофирмалар фаолият юритмоқда (1-жадвал).

1-жадвал.

**Наманган вилоятида фаолият юритаётган агрофирмалар
сони ўзгариши динамикаси⁷**

Туманлар номи	йиллар										2018 йил 2014 йилга нисбатан, %
	2014	Жамига нисбатан, %	2015	Жамига нисбатан, %	2016	Жамига нисбатан, %	2017	Жамига нисбатан, %	2018	Жамига нисбатан, %	
Мингбулоқ	8	7,1	11	7,6	11	7,4	15	8,8	17	9,0	212,5
Косонсой	11	9,8	11	7,6	11	7,4	16	9,4	16	8,5	145,5
Наманган	10	8,9	12	8,3	12	8,1	15	8,8	17	9,0	170,0
Норин	11	9,8	13	9,0	13	8,7	17	10,0	17	9,0	154,6
Поп	9	8,0	11	7,6	11	7,4	14	8,2	16	8,5	177,8
Тўрақўғон	12	10,7	16	11,0	16	10,7	16	9,4	18	9,6	150,0
Уйчи	7	6,3	12	8,3	12	8,1	13	7,6	15	8,0	214,3
Учқўрғон	10	8,9	13	9,0	13	8,7	15	8,8	16	8,5	160,0
Чортоқ	8	7,1	11	7,6	11	7,4	14	8,2	16	8,5	200,0
Чуст	14	12,5	23	15,9	25	16,8	21	12,4	24	12,8	171,4
Янгиқўрғон	12	10,7	12	8,3	14	9,4	14	8,2	16	8,5	133,3
Жами	112	100	145	100	149	100	170	100	188	100	167,9

Вилоятда 2006 йилдан бошлаб боғдорчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари қайта ташкил этилиши натижасида уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари фаолият юрита бошлашди. Аммо, боғдорчилик соҳасининг фойдалилик даражаси фермер хўжаликларида секин ўзгармоқда.

Наманган вилоятидаги турли мева-сабзавотчилик йўналишидаги агрофирмаларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил этадиган бўлсак, “Улуғой Узак Боғлари” агрофирмаси 2016 йилда жами 191 гектар боғлари мавжуд бўлган. Мазкур боғлардан 2311,1 тонна ҳосил йиғиштириб олинган бўлиб, боғларнинг ўртача ҳосилдорлиги 121 центнерни ташкил қилган.

⁷ Наманган вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси тезкор маълумотлари асосида.

Етиштирилган 2081 млн. сўмлик маҳсулот учун жами 624 млн. сўмлик харажатлар қилиниб, 233,5% рентабелликка эришган (2-жадвал).

2-жадвал.

**Наманган вилояти агрофирмалар мева етиштиришдаги
иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ⁸**

Кўрсаткичлар	Агрофирмалар номи								
	“Улуғой Узак Боғлари”			“Кўкёр ўнғор Шаршараси”			“Саид Барака Доли Саттаров”		
	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Боғ майдони (га)	191	251	251	136	121	125	333	380	439
Ҳосилдорлик (ц/га)	121	123	125	255	259	245	123	124	125
Ялпи ҳосил (тонна)	2311	3087	3138	3468	3134	3063	4096	4712	5488
Ялпи маҳсулот қиймати (млн сўм)	2081	4631	6275	3468	4701	5972	4153	7068	10701
Жами харажатлар миқдори, (млн сўм)	624	1575	2385	1075	1598	2090	1270	2403	3745
Маҳсулот сотиш ҳисобидан олинган соф фойда, млн.сўм)	1457	3056	3891	2393	3103	3882	2826	4665	6955
Харажатлар рентабеллиги, (%)	234	194,1	163	223	193	186	223	194	186

Асосий маҳсулот бозор учун ишлаб чиқарилади ва истеъмолчига энг яқин бўғин бу сотувчи бўлиб, у доимий равишда маҳсулотга бозор талаби ўзгаришидан хабардор бўлади. Янги узилган ёки қайта ишланган маҳсулот учун ишлаб чиқарувчига буюртма берувчи ва маҳсулотни харидорга етказувчи айнан сотувчи субъект бўлиши керак. Қолаверса, бугунги кунда агрофирмалар томонидан хўжаликлар етиштирган мева-сабзавотларни ўз вақтида қабул қилиш, сифатини тўғри аниқлаш, маҳсулотларга баҳо белгилаш масалаларида томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар пайдо бўлмоқда. Кўп ҳолларда қайта ишлаш корхоналари маҳсулотларни жуда паст баҳоларда сотиб олишга уриниши фермер ва деҳқон хўжаликларининг эътиборини йўқотишига, ўзаро муносабатлар бузилишига олиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот сотувчи соҳалар фаолияти мазмунини истеъмолчи талабига мослашиш ҳисобидан ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаси даромадлилик даражасини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этилиши зарур. Шундагина мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи кооперативлар фаолиятини ривожлантириш

⁸Агрофирма бирламчи ҳисоботлари асосида ҳисобланган.

орқали қишлоқ хўжалиги тармоғи, алоҳида товар ишлаб чиқарувчилар ва умумжамият миқёсида манфаатларга хизмат қилиши янада юқорилаб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сонли қарорига мувофиқ 2019-2020 йилларда тажриба-синов тариқасида Тошкент вилояти Паркент туманида ташкил этилган кооперативлар устав жамғармаси 2799 млн. сўмни ташкил қилиб, ўртача битта таъсисчига 2,9 млн. сўм тўғри келмоқда (3-жадвал).

3-жадвал.

Тошкент вилояти Паркент туманида мева-сабзавотчилик кооперативлар таъсисчилари таркиби
(2020 йил 1 февраль ҳолатига)⁹

Кооперативлар номлари	Кооператив устав жамғармаси, (млн. сўм)	Кооператив аъзолари, (сон)	шундан				
			фермер хўжаликлари	деҳқон хўжаликлари	экспортёр	қайта ишловчи	тайёрловчи
Navbahor gold place	372	127	64	60	1	1	1
Boyoqozon Parkent	306	106	52	50	1	2	1
Bo'ston agro Cooperative	378	129	56	70	1	1	1
Gulbog Guliston	378	130	76	50	1	2	1
Marjon Xisorak	300	102	60	40	1	1	-
Changi agro Hamkor	249	86	63	20	1	1	1
Nomdanak Bunyodkor	84	31	18	10	1	2	-
Zarkent Rizaev Tojiboy	408	139	86	50	1	2	-
Shampar agro Cooperativ	324	110	64	44	1	1	-
Туман бўйича жами	2799	960	539	394	9	13	5

Мева-сабзавотчилик соҳасидаги кооперативлар таъсисчилари таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг асосий қисмини фермер хўжаликлари (56,1%) ташкил қилади. Деҳқон хўжаликлари салмоғи 41 фоиз бўлиб, таъсисчи сифатида мева-сабзавотларни маҳсулотларни қайта ишловчи субъектлар, тайёрлов ташкилотлари ва экспорт қилувчилар ҳам киришган.

“Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини ривожлантириш йўналишлари” деб номланган учинчи бобида мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини ривожланиши иқтисодий негизини такомиллаштириш йўналишлари асос-

⁹ Паркент тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими маълумотлари асосида.

ланган. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларнинг маҳсулот сотиш борасидаги имкониятлари замон талабига жавоб бермайди, етиштирилган маҳсулотларни талаб тез ўзгариб бораётган шароитда самарали сотишда кўплаб амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар мавжуд. Шу боис, замонавий сақлаш тармоқлари, музлаткичлар билан жиҳозланган омборларга, хизмат кўрсатиш тизими, савдо-сотик учун шароитга эга, халқимизга хос бозор маданияти мужассамлашган савдо қилиш имконига эга савдо кооперативларни ривожлантириш лозим (3-расм).



3-расм. Кооперативнинг савдо-ишлаб чиқариш фаолияти иқтисодий механизми умумий чизмаси (тавсия)¹⁰

Кооператив фаолияти яқунлари бўйича олинган соф даромад (фойда) тенг миқдордаги икки қисмдан иборат бўлади. Бунда соф фойданинг биринчи қисми (50%) ҳисобидан аъзоларнинг келишувига асосан кооперативнинг турли ривожлантириш жамғармалари ташкил этиши тавсия қилинади. Кооператив аъзоларини сифатли маҳсулот етиштиришга рағбатлантириш мақсадида

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бозоргир маҳсулот етиштириш имконини берувчи экинларнинг янги навлари ва тежамкор технологиялардан фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш кўзда тутилиши тавсия қилинмоқда.

Кооперативнинг ихтиёридаги соф даромадни тақсимлаш ва турли жамғармаларни шакллантириш масаласи аъзоларнинг умумий йиғилиши томонидан ҳал этилади. Аммо, молиявий йил якунлари бўйича олинган соф фойданинг бир қисми ҳисобидан қуйидаги жамғармаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Кооператив соф фойдасининг қолган иккинчи қисми (50%) аъзоларнинг “Улушларга нисбатан рағбатлантириш жамғармаси” маблағларидан иборат бўлади ва у аъзолар ўртасида кооперативга қўшган дастлабки бадаллари ва жорий йилда сотилган маҳсулотлар миқдоридagi улушлари салмоғи ҳамда ишлаб чиқаришга бозоргир маҳсулот етиштиришни ва ресурстежамкор техника ва технологияларни жорий қилиш даражасига мутаносиб равишда тақсимланади (4-расм).



4-расм. Кооперативнинг савдо-ишлаб чиқариш фаолияти якуний натижалари тақсимот тизими (тавсия)¹¹

“Улушларга нисбатан рағбатлантириш жамғармаси” маблағларини таъсисчилар ўртасида қуйидаги услуб асосида тақсимлаш тавсия этилади:

а) кооперативнинг Устав жамғармасидаги ҳар бир таъсисчининг улуши миқдори аниқланади;

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

б) ҳар бир алоҳида аъзо (таъсисчи) томонидан кооперативга сотилган маҳсулот миқдори аниқланади. Одатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси маҳсулотнинг сифатига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Шунинг учун кооперативга маҳсулот сотган таъсисчининг улушини аниқлашда сотилган маҳсулотнинг нафақат миқдори балки, сифатини ҳам эътиборга олиш лозим (бир турдаги маҳсулотлар бўйича). Шундай қилиб:

• таъсисчининг кооперативнинг “Улушларга нисбатан рағбатлантириш жамғармаси” шаклланишидаги нисбий ҳиссаси куйидаги формула асосида аниқлаш тавсия қилинади (Φ_y):

$$\Phi_y = \frac{Уф + Ум}{2} \quad (1)$$

бу ерда, $Уф$ – таъсисчиларнинг кооператив Устав капиталидаги улуши (%).

$Ум$ – кооператив томонидан таъсисчи бўлган хўжаликлардан сотиб олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги алоҳида аъзонинг улуши, (%).

$$Уф = \frac{Tм}{Куф} \times 100 \quad (2)$$

бу ерда, $Tм$ – таъсисчиларнинг кооператив Устав капиталига қўшган бадали миқдори;

$Куф$ – кооператив Устав капиталининг миқдори.

• кооперативга маҳсулот сотган таъсисчининг қўшган ҳиссаси қиймат кўринишида куйидаги формула асосида аниқлаш лозим (Φ_m):

$$\Phi_m = \frac{Кф}{100} \times \Phi_y \quad (3)$$

бу ерда, $Кф$ – “Улушларига нисбатан рағбатлантириш жамғармаси” маблағлари миқдори.

Ривожланган давлатларда экологик тоза мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва сотиш соҳасини ривожлантириш борасида катта тажрибалар тўпланган. Аммо, бу масала мамлакатимизда эндигина бошланмоқда. Экологик тоза маҳсулот етиштиришни ва сотишни йўлга қўйиш қатор ташкилий-иқтисодий масалаларни ечишни талаб қилади. Хусусан, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва сотиш соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини яратиш талаб этилади. Бу масала давлат дастурлари доирасида ҳал этилиши лозим бўлиб, бунинг учун тармоқга аграр илм-фани ютуқларини тадбиқ этиш ва соҳанинг илмий таъминотини ташкил этишни бошқариш механизмларини жорий этиш талаб этилади (5-расм).

Савдо кооперативларида ресурстежамкорлик ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган рағбатлантириш тизими			
<p>Экспорт ҳажмини кенгайтиришга қаратилган маҳсулот сифатини яхшилаш йўналишидаги</p>	<ul style="list-style-type: none"> - экинларнинг экспортбоп маҳсулот берувчи янги навларини жорий қилиш; - маҳсулот сифатини оширувчи янги агротехнологияларни жорий қилиш; - сабзавот экинларининг гибрид уруғликлари экспортини йўлга қўйиш. 	<p>Мезон: Экин майдонининг камида 40 фоизида жорий қилинганда.</p>	<p>божхона бўжона имтиёзлари жорий қилиш; йўналишлар бўйича харажатларнинг бир қисмини (ёки тўлиқ миқдорда) субсидиялаш каби тадбирлар қўлланилади.</p>
<p>Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган ресурстежамкорлик йўналишидаги</p>	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқаришга сув тежамкор техника- технологиялар жорий қилиш; - ишлаб чиқаришга энергиятежамкор техника- технологиялар жорий қилиш; - қўл меҳнатини тежовчи техник воситаларни миқёсда жорий қилиш (камида 30 фоиз қўламда). 	<p>Мезон: Сувли экин майдонларининг камида 25 фоизида жорий қилинганда.</p>	<p>-солиқлардан озод қилиш; -ускуналар импортида имтиёзлари жорий қилиш; -алоҳида йўналишлар харажатларнинг бир қисмини (ёки тўлиқ миқдорда) субсидиялаш каби тадбирлар қўлланилади.</p>
<p>Ишлаб чиқаришни бозор талаби асосида диверсификация қилиш йўналишидаги</p>	<ul style="list-style-type: none"> - мева-сабзавот маҳсулотини чуқур қайта ишлаш салмоғини ошириш; - мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш объектларини ишга тушириш; - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги экспортбоп турларини жорий қилиш. 	<p>Мезон: ишлаб чиқилган маҳсулотнинг камида 30 фоизи қайта ишланганда.</p>	<p>Ёки кўшимча равишда 10 фоиз иш ўринлари яратилса (шу жумладан 4 фоизи аёллар учун).</p>
<p>Интеллектуал салоҳиятни мустаҳкамлаш ва кадрлар малакасини ошириш йўналишидаги</p>	<ul style="list-style-type: none"> - ресурстежамкорлик йўналишида кооператив ходимларининг хорижий стажировкасини ташкил қилиш; -иктидорли ёшларни хорижда рақамли технологиядан фойдаланиш йўналишида малака ошириши. 	<p>Мезон: Камида юкоридаги мезонлардан бирига эга бўлганди.</p>	<p>Давлат томонидан (бюджет ёки хомийлар) тегишли буюртма асосида харажатлари молиялаштирилади.</p>


5-расм. Мева-сабзавотчилик савдо кооперативлари учун рағбатлантириш механизмлари (тавсия)¹²

Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар талабга жавоб бермаслиги туфайли қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланиш имконияти чекланмоқда. Шу боисдан савдо кооперативлари орқали маҳсулотларни сотиш жараёнида, ишлаб чиқарувчи ва харидорнинг ўзаро боғловчи сифат жиҳатдан янги иқтисодий алоқалар шаклланади.

Мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларнинг ягона мақсад доирасида ўз фаолиятини бирлаштиришига имкон берувчи кооперация муносабатларини чуқурлаштириш юзасидан қуйидаги ташкилий моделлар тавсия қилинмоқда (6-расм).

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мева-сабзавотларни сотиш тизимида кооперация муносабатларининг ташкилий моделлари




6-расм. Маҳсулот сотиш соҳасида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг ташкилий моделлари¹³

Мазкур модел доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўғини узвий боғлиқ бўлиб, савдо кооперативлари тўлиқ таъсисчиларга тегишли бўлади. Кооператив таъсисчиси сифатида маҳсулот етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликлари иштирок қилишади.

Мавжуд таҳдидлар. Кооперативлар фаолиятига маҳаллий ҳокимиятлар ва назорат қилиш органлари аралашуви кооперативларда демократик тамойиллар ва манфаатли иқтисодий механизмлар ишлашига ҳавф туғдиради.

Савдо кооперативлари иқтисодий фаолияти асосини мол-мулк ва мулк муносабатларни шакллантириш ташкил қилади ва у савдо кооперативининг кейинчалик қанчалик самарали фаолият юритишини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан савдо кооперативларида мол-мулк шаклланиши ва мулк муносабатлар қуйидагича таркибида амалга оширилиши лозим (7-расм).

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



7-расм. Савдо кооперативларида мол-мулк ва мулкый муносабатлар шаклланиши модели¹⁴

Бунда савдо кооперативининг жами мол-мулки унинг таъсисчилари бўлган мева-сабзавотчилик хўжаликлари, савдо ташкилотлари, қайта ишловчи корхоналар ва хизмат кўрсатувчи субъектларга тегишли бўлади.

Кооперативнинг жами мол-мулки учта асосий жамғарма, яъни бўлинма жамғарма, пай жамғармаси ҳамда захира жамғармасидан иборат бўлади. Ушбу жамғармаларнинг ўзар нисбати ва миқдори кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти пайтда таъкидлаш лозимки, кооперативнинг устав жамғармаси (ташкил қилиниши пайтидаги жами мол-мулки) ва бўлинмас жамғарманинг аниқ нисбати белгилаб қўйилиши лозим. Бизнинг назаримизда савдо кооперативларида қайта ишлаш билан боғлиқ фаолиятнинг асосий эмаслиги боисдан бўлинмас жамғарма жами мол-мулкнинг (Устав жамғармаси) 30 фоизи ва пай жамғармаси миқдори 70 фоизи миқдорида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

1. Мева-сабзавотчилик кооперативлари савдо-логистик тизими савдога чиқадиган маҳсулотлар таркиби – тайёрлов тизими орқали ёки бевосита савдога чиқадиган маҳсулотлар; сақлаш объектларидан даврий равишда савдога чиқадиган маҳсулот ҳамда қайта ишлаш тизимидан савдога чиқадиган тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлардан иборат бўлади. Бунда товар маҳсулотининг 35 фоизини экспортга, 35 фоизини кооператив фирма дўконлари, қолгани деҳқон бозорлари орқали ва қайта ишловчиларга сотиш тавсия қилинади.

2. Кўп сонли фермер ва деҳқон хўжаликлари бир вақтда маҳсулот етиштириш, моддий-техник ресурслар сотиб олиш, бозорларни ўрганиш, харидор қидириш ва маҳсулотнинг истеъмолчигача самралли етказиб бериш эга эмаслиги боисдан кооперативлар самарали ҳисобланади.

3. Кооперативлар маҳсулот савдосини йўлга қўйишда юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, хўжаликларга малакали техник, транспорт, агротехник, иқтисодий ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш учун имкониятлар яратиш таклиф этилади.

4. Кооперация доирасида иқтисодий муносабатлар мажмуи – кооперация доирасида маҳсулотни тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва истеъмолчига етказиб бериш масалалари билан боғлиқ муносабатлар; кооперативни бошқариш ва моддий-техник таъминотни йўлга қўйиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар; кооператив доирасидаги нарх-наво сиёсатини йўлга қўйиш; кооператив фаолиятини бозор талаби асосида бизнес-режалаштириш, соф фойда тақсимоли тизимини йўлга қўйиш; маҳсулот сотиш каналларини аниқлаш, ички ва ташқи бозорга чиқиш тактика ва стратегиясини амалга ошириш масалларини қамраб олади.

5. Таҳлиллар кўрсатишича, агрофирмалар ҳозирда тўлиқ кооперация тамойиллари асосида ташкил этилган. Аммо, маҳсулот етиштириш, тайёрлаш, сотиш жараёнида агрофирма субъектлари ўртасида назорат ва мажбурият механизми етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли, сифатсиз маҳсулотларни қайта ишлашга, савдога чиқаришга олиб келиб, умумий фойда миқдори пасайишига олиб келган.

6. Соҳада кооперация муносабатларини ривожлантириш имконини баҳолаш юзасидан тайёрланган SWOT таҳлил амага оширилган кўрсатишича қишлоқ хўжалиги ва кооперативлар фаолиятига маъмурий аралашувлар туфайли кооперация ўз иқтисодий моҳиятини йўқотиши мумкинлиги ҳамда зарур инфратузилма йўқлиги туфайли кооперативларга ишонч пасайиши катта хавф туғдиради.

7. Қишлоқ хўжалиги кооперативларни ривожлантириш борасидаги хорижий тажрибалар кўрсатишича, ўзгариб боровчи бозор талаби, техник ва технологик тараққиёт озиқ-овқат саноати ва савдо тизимининг вазифалари ўзгаришига ҳам олиб келди. Ихтисослашган, мураккаб технология билан қуролланган йирик саноат корхоналари ривожланиши ва мураккаб жиҳоз-

ланиши боисдан, корхона қувватидан максимал фойдаланиш заруриятини пайдо қилиб, бу эса харажатларни оптималлаштиришни тақозо қилмоқда.

8. Савдо кооперативлари ички ва ташқи бозорларда шаклланган бозор талабига мослашиш ҳисобига етиштирилган маҳсулотларни энг юқори баҳоларда нобудгарчиликсиз сотишга бўйсиндирилган иқтисодий сиёсатга асосланувчи фаолият олиб боради. Фаолият мақсадининг таъсисчилар манфаатларига тўлалигича мос келиши таъмин этилади.

9. Кооператив фаолиятидаги транспорт ва бошқа хизматлар баҳоси кооператив мутахассислари ҳисоб-китобларига таянган ҳолда кооператив Кенгаши томонидан тасдиқланади ва бажарилиши назорат қилиб борилиши харажатларни камайтиришга имкон яратиб беради.

10. Кооперативлар томонидан хўжаликлардан мева-сабзавотларни харид қилишда фермер ва деҳқон хўжаликларини маҳсулот сотиш шароитлари, психологияси, имкониятлари доирасида гуруҳларга ажратиш тавсия этилади.

11. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уни сотишда шартнома муносабатларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар тавсия этилган:

мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида жаҳон стандартларига риоя этиш тизимини ташқи ва ички бозорлар учун босқичма-босқич жорий этиш;

мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида моддий-техник таъминот муаммосини ҳал этиш йўналишларини белгилаш;

мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилиш соҳасига инвестициялар жалб этишни иқтисодий рағбатлантириш;

савдо қилиш соҳасини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга шароит яратишда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарура- рати мавжуд.

12. Кооперативнинг “Улушларга нисбатан рағбатлантириш жамғармаси” маблағларини таъсисчилар ўртасида тақсимлашда: I) кооперативнинг Устав жамғармасидаги ҳар бир таъсисчининг улуши миқдори асосида; II) ҳар бир алоҳида аъзо (таъсисчи) томонидан кооперативга сотилган маҳсулотнинг миқдори ҳамда сифатини эътиборга олувчи услуб тавсия қилинади.

13. Мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларнинг ягона мақсад доирасида ўз фаолиятини бирлаштиришига имкон берувчи кооперация муносабатларини чуқурлаштириш юзасидан ташкилий модел тавсия қилинмоқда.

14. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси соҳаси кооперативларида коопе- рация муносабатларининг манфаатлар ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни инобатга олувчи ташкилий, молиявий ҳамда манфаатдорлик механизмларини эътиборга олувчи иқтисодий, мулкка эгаллик ва мол-мулк таркибини ифодаловчи мулккий муносабатлар модели ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

МУРОДОВ ШЕРЗОДБЕК МУРОД УГЛЫ

**ФОРМИРОВАНИЕ КООПЕРАЦИИ В СФЕРЕ ПРОДАЖ
ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ**

08.00.04-Экономика сельского хозяйства

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени (PhD) доктора философии
экономических наук

Ташкент– 2020

Тема диссертации доктора наук (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №B2017.2. PhD /qqt202.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) и на веб-странице Научного совета (www.tiame.uz) и в информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Хушматов Норкул Садуллаевич,**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кадиров Абдурашид Мажидович,**
доктор экономических наук, профессор

Менгликулов Бахтиёр Юсупович,
кандидат экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Национальный Университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в _____:_____ часов на заседании Научного Совета № DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по присуждению ученых степеней доктора наук. Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кори-Ниязи, дом 39. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер № _____) Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кори-Ниязи, дом 39. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Автореферат диссертации разослан _____ 2020 года.
(протокол реестра № _____ от «_____» _____ 2020 года).

У.П.Умурзаков

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Б.Ф.Султанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н.

К.А. Чариев

Заместитель председателя научном семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Нынешние социально-экономические, демографические изменения, возникающие на планете, требуют внедрения методов, инструментов и механизмов, обеспечивающих эффективное использование земельных, водных и трудовых ресурсов. «Обеспечение населения качественными продовольственными товарами является одной из глобальных проблем мировых стран. Согласно данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций (ФАО), на планете проживает 7,3 миллиарда человек, из них более 1 миллиарда человек более чем в 100 странах страдают от нехватки продовольствия, и в следующем десятилетии из-за изменения климата, засухи и других стихийных бедствий этот показатель может достичь 25 процентов всего населения мира»¹.

